





Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

2018 йил 23 июнь • шанба • № 74 (4047)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

*2018 йил 22 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.*

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Н.Йўлдошев олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисини жорий йилнинг 28 июнь куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари ҳамда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини тубдан оширишга, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини изчил ижро этишга, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган масалалар киритилмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги (янги таҳрир), «Медиация тўғрисида»ги, «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги, «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги (янги таҳрир), «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, ялпи мажлисда сенаторлар халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунларини ҳам кўриб чиқадилар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2017 йилдаги фаолияти, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг фаолияти, ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасидаги фаолияти ҳақидаги ахборотни эшитадилар. Ялпи мажлисда Андижон вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботи ҳам эшитилади.

Сенат аъзолари сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳамда ёшларнинг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлиги ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига парламент сўровлари юбориш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қиладилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва девонининг ўн бешинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишларини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан ишчи гуруҳ тузилди.

Сенат Кенгаши ўз ваколатига доир бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати**

Санаторийда бир кун



## «Бўстон» — чиндан боғ-у бўстон

Меҳнат таътили олган киши борки, қаерда дам олиш ёки соғлиқни тиклаш учун қайси сиҳатгоҳни танлаш ҳақидаги саволларга жавоб излаши аниқ. Ушбу ҳолат бизда ҳам қизиқиш уйғотиб, Қибрай туманида жойлашган «Бўстон» сиҳатгоҳига йўл олдик.

Асаб тизими, юрак-қон томир, гинекология ва урология касалликларига ихтисослашган сиҳатгоҳ директори Фарида Акбарова кейинги йилларда амалга оширилган янгиликлар ҳақида қисқача сўзлаб берди.

– Ўн олти гектар боғимизда яшнаб турган мевали ва манзарали дарахтлар туфайли мўътадил иқлим юзага келган бўлиб, сиҳатгоҳни жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш учун хорижий ҳамкорлар билан муттасил тажриба алмашиш йўлга қўйилган. Хусусан, «Карлови-вари»дан олган таассуротларимиз самарали бўлди, биз ҳам чехияликлар услубида бассейн қурдик. Олти хил усулдаги сув муолажасига мўлжалланган ванналар ташкил қилдик.

Хўжаликни юритишда асосан ўзимизда етиштирилган маҳсулотлардан фойдаланамиз. Қолаверса, тўртта сигир, 300 та товуқ бор. Иссиқхоналаримизда помидор, бодринг, лимон етиштирамиз, ҳатто, банан ўстириб, мевасини татиб ҳам кўрдик. Бундан ташқари, мушк-анбар кўкартирдик, тропик ўлкаларда ўсувчи турли-туман гулларни парвариш қиляпмиз.

4 ▸

## КУН НАФАСИ

**«Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги** Президент қарори қабул қилинди.

* * *

Халқаро муносабатлар соҳасида дипломатик, бошқарув кадрлари ва мутахассисларни танлаш, тайёрлаш, улар малакасини ошириш мақсадида **«Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»** Президент қарори қабул қилинди.

ЎзА

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида **«Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталарни чекишни чеклаш тўғрисида»**ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Gazeta.uz

* * *

«Вақф» хайрия жамоат фондининг **www.vaqf.uz сайти ишга тушди.**

Вақф хайрия жамоат фонди матбуот хизмати

* * *

Венгрия Республикаси Парламенти **ноқонуний тарзда мамлакатга келган қочоқларга кўмак берганларга нисбатан жиноий жавобгарликни жорий этиш тўғрисидаги** қонунни тасдиқлади.

«Reuters» агентлиги

* * *

Юртимизда меҳмон бўлиб турган **Қирғизистоннинг «Имом Аъзам»** мадрасаси мударрис ва талабалари марҳум **Анвар қори Турсуновнинг вафоти муносабати билан таъзия билдириш мақсадида «Минор» жоме масжидида бўлдилар.**

minor.uz

* * *

2018-2021 йилларда юртимизда 40 тага яқин микро ГЭСлар қурилиши кўзланган. Айни вақтда эса **Зомин сув омбори қошида умумий қуввати 200 Кв бўлган биринчи микро ГЭС ишга тушди.**

ЎзА

* * *

Ўзбекистон ва Россия Жиззах вилоятида жойлашган коинотни ўрганиш учун мўлжалланган **«Суффа»** радиотелескопини қуриб битказишни режалаштирмоқда.

Kun.uz

* * *

Чирчиқ гарнизонида Мудофаа вазирлиги **Ҳарбий автомобиль назорати (ҲАН) инспекцияси ходимлари Халқаро армия ўйинларида иштирок этишга тайёргарлик кўрмоқда.**

Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати

* * *

«Тошкент сени яхши кўради» онлайн платформаси **пойтахтни ободонлаштириш бўйича ғоялар излаш ва Тошкент аҳолисининг таклифларини йиғиш** мақсадида иш бошлади. Таклифлар жорий йилнинг 31 августига қадар қабул қилинади.

Gazeta.uz

* * *

Самарқандда ногиронлиги бор бўлган шахсларга 100 миллион сўмлик маиший жиҳозлар етказиб берилди.

Daryo.uz

* * *

Ташқи савдо вазирлигида Америка Қўшма Штатларининг **Халқаро тараққиёт Агентлиги (USAID) вакиллари иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.**

ТИВ сайти

* * *

Хорватия терма жамоаси ярим ҳимоячиси **Лука Модрич** жаҳон чемпионатининг 2-турида Аргентинага қарши кечган баҳснинг **энг яхши футболчи**си деб топилди.

ФИФА расмий сайти

* * *

Хитойнинг **«Baidu»** корпорацияси юқори тезликка мўлжалланган янги трассада **бошқарувчисиз автомобилларини синовдан ўтказди.**

Kun.uz

* * *

Ливиянинг Караполи шаҳри қирғоқларида **237 нафар қочқин қутқарилди.**

«Anadolu» агентлиги

* * *

Андижонда 30 км.га яқин масофада велосипед йўли барпо этилиши режалаштирилмоқда.

Gazeta.uz

* * *

Олимлар **ошқозоности бези саратони ҳақида белги берувчи касалликни маълум қилишди.** Бу хулосага келгунларича онкологлар 1993 – 2013 йиллар оралиғидаги қарийб 49 минг нафар беморнинг маълумотларини таҳлил қилиб чиққан.

«RIA Novosti»

* * *

«Ислом давлати» террорчилик гуруҳининг **14 нафар аъзоси Туркияда ўтказиладиган президентлик ва парламент сайловларида кўпорувчиликка тайёргарлик қилишда гумон қилиниб, қўлга олинди.**

«Anadolu» агентлиги

* * *

**«O'zbekiston havo yo'llari» МАК** жорий йилнинг 22 июнидан бошлаб **«Toshkent – Riga – Toshkent» йўналиши бўйича авиачипталар нархини пасайтирмоқда.**

МАК матбуот хизмати

* * *

Жаҳон банки Тожикистонда Роғун ГЭСи қурилишини молиялаштирмасликка қарор қилди.

Reuters

**Муносабат**


Нигоҳ
Оммавий маданият ОҒУми?

Фалсафа фанлари доктори Виктор Алимасовнинг «Ishonch» газетасининг шу йил 19 июндаги сонида чоп этилган «Оммавий маданият ОҒУми?» мақоласида жуда долзарб масала кўтарилган. Унда муаллифнинг ҳар бир одам ҳар бир ахборотни ақл тарозисида тортиб, маънавият элагидан ўтказиб, яхшини ажратиб олсин, деган эзгу нияти ўз аксини топган. Дарҳақиқат, турли таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифат, тарбия масаласи умуммиллий мавзулар қаторида турибди. Бу бежиз эмас, чунки давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «оммавий маданият» хавфи ва боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётган, одоб-ахлоқ, қадриятларнинг йўқолиш хавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида бу ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда».

## «Оммавий маданият» — ЭВТАНАЗИЯ

> **«Авваламбор, «оммавий маданият» кўринишида кириб келаётган турли таҳдидлар, гиёҳвандлик, диний экстремизм, миссионерлик каби бало-қазолардан ёшларимизни асраш, уларнинг таълим-тарбиясига ҳар биримиз масъул эканимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак»**
>
> **Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Мақолани ўқиб, беихтиёр «оммавий маданият» ва миллий маданиятнинг бундан юз йил олдинги ва ҳозирги икки мисоли кўз олдимга келди. Бизга «Оммавий маданият»нинг тажовузи илгари ҳам бўлган. **«Шум бола» фильмини эслайлик. Унда XX аср бошида бир ажнабий Тошкентнинг Эскижўва бозорида ўзбекларнинг бир тангасини олиб, эвазига «оинаи жаҳони»дан яланғоч аёлнинг суратини кўрсатади. Шум бола «Мен яланғоч аёлдан қўрқаман», деб юзини ўгиради.**

**XXI аср боши. Ўзбек тўйхонаси. 80 ёшлар чамасида юпун кийинган бир мўйсафид тўйхонага кириб келди. У икки ҳассага осилиб, оёқларини зўрға кўтариб босар эди. Нуроний жилмайиб, «Болам, мени мана бу ерга, эшикка яқин ўтқазсангиз ҳам бўлади», деб энг яқин столни кўрсатиб, имлади. Отахонга «келинг-келинг» қилиб турган йигитлар бир-бирларига «Нима қилдик?» деб иккиланиб қолишди...**

**Ниҳоят, «табаррук отахоннинг ҳурмати жойига қўйилиши керак», деган ўзбекона сезим ғолиб келди: «Хуш келибсиз», деб турган йигитлардан бири отахонни қучоқлаб, даст кўтарди. «Отажоним, отагинам, сизнинг жойингиз мана бу ерда», деб тўйхонанинг тўрига элтиб ўтқазди. Отахон йўл-йўлакай ўзининг мард, нотаниш меҳрибонидан кўзларини узмасдан, кулимсираб борарди.**

**Барча меҳмоннинг кўзи уларга қадалди. «Лаган ва қошиқлар симфонияси» бир зумга сусайди. Ҳамма йигитнинг ақл-у фаросатига, шижоатига, маънавиятига ҳамд-у сано айтди. Кўзларда меҳр порлади. Бу 25 ёшлардаги бир йигитдаги ўзбек маънавиятининг кучи, қудрати намойиши эди.**

3 ▸

Кўрик-танлов

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига кўмаклашиш, бўлажак мутахассислар ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш ҳамда иқтидорли ёшларни рағбатлантиришда пешқадамликни қўлдан бермаётган ташкилотлардан биридир. Бунга бир неча йиллардан бери Федерация томонидан ўтказилаётган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» республика кўрик-танловини мисол сифатида келтириш мумкин.

# Юксак чўққилар олдинда

Федерация Ўқув марказида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан ташкил этилган «Йилнинг энг фаол ёш шифокори» республика кўрик-танлови ҳам шулар жумласидандир.

– Бу йилги танловда 167 та тиббий муассасадан 953 нафар иштирокчи қатнашди, – дейди ёшлар масалалари бўйича раис маслаҳатчиси Мақсад Зоҳидов. – Танлов иштирокчиларининг илмий салоҳияти, мутахассисликлари бўйича билим даражалари, ўқиш ва иш фаолияти давомида эришган ютуқлари, илмий тадқиқот, инновацион ғоя ва ишланмаларининг мавжудлиги ҳамда уларнинг амалиётга татбиқ қилингани, жамоат ва спорт ишларида фаоллиги чоп этилган илмий мақолалари, хорижий тилларни билиш даражаси, компьютер саводхонлиги рейтинг тизимида баҳоланди. Танловнинг 3 нафар ғолиби Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ўтказиладиган «Ёш мутахассислар» V Республика Форумида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.



Танловнинг мутлақ ғолиби мамлакатимиз иқтисодиётга қўшган ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий йўналишдаги инновацион ғоясининг долзарблигига кўра касаба уюшмаларининг гранти асосида ўз йўналишида ўзи танлаган чет мамлакатларнинг бирида малака ошириш имкониятига эга бўлади.

– Ҳаяжонимни яширишга ҳам уринмайман, – дейди кўрик-танлов ғолиби, Қува тумани тиббиёт бирлашмаси умумий амалиёт шифокори Жавоҳир Солиев – «Ёш мутахассислар» V Республика Форумида қатнашиш касбдошларимнинг тажрибаларини ўрганиш имкониятини беради. Қолаверса, ўз йўналишимда чет мамлакатларнинг бирида малака ошириш, тиббиёт соҳасидаги билимларимни янада кучайтириш, илғор тажрибаларни мамлакатимизга олиб кириш имконияти менга жуда катта масъулиятни ҳам юклайди.

Танлов иштирокчилари ва ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Муқаддас РАЗЗОҚОВА,**
«Ishonch» мухбири

Мурувват



Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, жамиятда ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, бағрикенглик ва хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатимизда амалга оширилаётган эзгу ишларда касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда.

# ЭЗГУЛИККА йўғрилган тадбирлар

Бу йил Ширин шаҳридаги 25 нафар кам таъминланган, ногиронлиги бор фуқароларнинг хонадонини таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, шу кунларда 3 таси таъмирдан чиқарилди. Шаҳарнинг Фарҳод маҳалласида истиқомат қилувчи боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд оилалар рўйхатида турувчи Мардона Муродованинг хонадони ҳам улар қаторида. Хонадон бекаси уч нафар ўғилни ёлғиз тарбиялаб, қўли қисқалиги боис турмуш ўртоғи ҳаётлигида бошлаган, аммо чала қолиб кетган уйи учун маблағ тополмай турганда бу кутилмаган совға бўлди. Мирзо Улуғбек номидаги МФЙда яшовчи Қўзиқул Норматовнинг турмуш ўртоғи инсульт бўлиб, тўшакка михланиб қолган, кексалар ёлғизликда қийналиб қолишганди.

– Бизларни эътибордан четда қолдирмагани учун давлатимиз раҳбари, касаба уюшмалари ва барча ҳомий ташкилотларга мингдан-минг раҳмат, – дейди Қўзиқул ака. – Турмуш ўртоғим касал бўлиб ётиб қолгач, ўйланиб юрардим. Уйга кирсам, юрагим сиқилар, таъмир учун пулни қандай топсам экан, деб бошим қотган эди. Мушкулим осон бўлганидан хурсандман. Илоҳим, яхшилар доимо бор бўлсин!

Ушбу тадбирлар доирасида касаба уюшмалари вакиллари эҳтиёжманд оилалар хонадонларига бориб, уларга саломатлигини мустаҳкамлаши учун махсус сертификатлар, дори-дармон воситалари, турмуш даражасини ошириш мақсадида маиший техника жиҳозларини топширишяпти. Худди шундай сертификатлардан бирини олиб, пойтахтимиздаги «Шифонур» клиникасида кўзини жарроҳлик амалиёти орқали даволатиб қайтган Манзура Абдуқодированинг ҳам хурсандлигидан боши осмонда.

Бунёдкор маҳалласида яшовчи Ҳалима Ҳалимованинг невараси Шодия кичик бўлишига қарамасдан юрагидан икки марта жарроҳлик амалиёти ўтказган. Ҳалима опа турмуш ўртоғи вафот этиб, фарзандларини ёлғиз ўзи тарбия қилгани, бу жаннатмонанд юртда яхшилар кўп экани ва ундан кўмакларини аямаётганлигини айтиб, дуо қилишдан чарчамайди.

Эзгуликка йўғрилган бундай тадбирлар жамиятимизда меҳр-оқибат, одамийлик, эзгулик каби фазилатларни янада кучайтириши билан бирга барчани савоб ишлар сари ундамоқда.

**Зебо ҲАЙДАРОВА.**
Сирдарё вилояти

Ташриф

# Инсон бахтга муносиб

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамиятига Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Федерациясининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси раҳбари Баярмаа Лунтан ишчи ташриф билан келди. Меҳмон Қизил Ярим Ой Жамияти Учтепа тумани ташкилоти қошидаги 14 ёшгача бўлган 50 нафар имконияти чекланган бола тарбияланаётган «Меҳригиё» тиббий ижтимоий марказида бўлди.

Республика дизайн коллежи ўқувчилари ҳамда Ёшлар иттифоқи туман кенгаши волонтёрлари томонидан болажонлар учун шашка, шахмат, ганжкорлик, кулолчилик ва расм чизиш бўйича ўтказилган тўгарак машғулотлари унда катта таассурот қолдирди. Имконияти чекланган болаларни ҳаётга тайёрлаш, уларни соғлом тенгдошлари билан тенгма-тенг касбга, ҳунарга ўргатиш каби ишлар марказда беш-олти йилдан буён амалга ошириб келинади. Ваколатхона раҳбари марказнинг иш фаолияти, болажонларнинг қизиқиши ва соғлиғи билан қизиқди.

– Баярмаа Лунтан марказ фаолиятидан бениҳоят хурсанд эканлигини таъкидлади, – дейди Қизил Ярим Ой Жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти раиси Умида Муҳамедова. – Болажонларимиз меҳмонга эсдалик учун ўз қўллари билан чизган сурат ва кулолчилик намуналаридан совға қилишди.



Ташриф давомида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти Самарқанд вилояти ташкилотининг кўнгилли ёшларни жалб қилишга оид фаолияти билан ҳам танишилди.

**Комила БОЙМУРОДОВА,**
«Ishonch» мухбири

Касаба сайр



Мамлакатимизда сўнгги йилларда туризмга қаратилаётган эътибор сабаб, соҳа шиддат билан ривож топмоқда. Бу хайрли мақсадга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тасарруфидаги «Касаба сайр» шўъба корхонаси ҳам ўзининг фаол ҳиссасини қўшиб киляпти.

# Қайдасан, Иссиққўл?

Корхона ички туризм билан бирга ташқи туризмга ҳам катта эътибор қаратиб, бу борада қатор ишларни амалга оширяпти. Жумладан, республикамизнинг турли ҳудудларидан жамланган, касаба уюшмаларининг барча тармоқлари вакилларидан иборат 143 нафар сайёҳнинг Қирғизистон Республикаси Иссиққўл вилоятидаги «Аврора» ва «Кыргызское взморье» санаторийларида даволаниши ва Қирғизистон бўйлаб саёҳати ташкил этилди.

– Ушбу сайрни «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти билан биргаликда амалга оширдик, – дейди шўъба корхона директори Тўлқин Хидиров. – Келгусида бу каби тадбирлар кўлами янада кенгаяди. Нафақат халқимизни чет элга, балки санаторийларимизда дам олиб, саёҳат қилиш истагида бўлган бошқа давлатлар аҳолисининг юртимизга ташрифини доимий тарзда уюштириб бориш ҳам асосий мақсадларимиздандир.

Куни кеча сайёҳлар «Тошкент – Балиқчи – Тошкент» поездида «Қайдасан, Иссиққўл?», дея йўлга чиқишди.

**Ўз мухбиримиз**

Касаба уюшмалари аралашуви билан

# Адолат қадрини ҳам, қаддини ҳам тиклади

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига «IRRIGATSIYA BO'YICHA BMKB» корхонасида 46 йил ҳалол меҳнат қилиб, иш жараёнида бахтсиз ҳодисага учраган Фаррух Маҳкамовдан мурожаат келиб тушди.

Унда баён қилинишича, Ф.Маҳкамов «1-К62» русумли токарлик дастгоҳида ҳимоя тўсиғисиз, шахсий муҳофаза воситаси бўлган махсус кўзойнаксиз темир арматурага ишлов бераётганида металл парчаси ўнг кўзига кириб кетади ва жиддий жароҳатлайди. Цех ичида ишлаётган ишчилар унга тезда корхона тиббиёт пунктига мурожаат қилишни таклиф қилишади. Аммо Ф. Маҳкамов оғриқ зўрлигидан зудлик билан Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонасига етиб борган. Мазкур тиббий муассаса шифокорлари томонидан унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилади. Кўзига санчилган металл парчаси жарроҳлик йўли билан олиб ташланади. Муолажаларни давом эттириш учун клиникага ётқизилади.

– Инсон борки, қадри учун куяди, – дейди Фаррух Маҳкамовнинг умр йўлдоши Адолат опа. – Турмуш ўртоғим шифохонада даволанаётганида ниҳоятда дили ранжиди. Чунки салкам ярим асрлик умри ўтган ишхонаси раҳбарлари келиб, ҳол-аҳвол сўраш ўрнига барча айбни унинг ўзига тўнкашди. Ҳеч кимнинг бошига бундай фалокат тушмасин экан. Яхшиямки, уч йил олдин ёшга доир пенсияга чиққанди. Оғир кунларда шу пенсия пули кунимизга яради,

Мазкур бахтсиз ҳодиса рўй берганидан 6-7 ой вақт ўтгач, Ф. Маҳкамов иккинчи жарроҳлик операциясини ўтказди. Шу йилнинг март ойида Шайхонтоҳур туманлараро ТМЭК томонидан унга 30 фоиз меҳнат лаёқатини йўқотгани тўғрисида хулоса берилди.

**– ИНСОН БОРКИ, ҚАДРИ УЧУН КУЯДИ, – ДЕЙДИ ФАРРУХ МАҲКАМОВНИНГ УМР ЙЎЛДОШИ АДОЛАТ ОПА. – ТУРМУШ ЎРТОҒИМ ШИФОХОНАДА ДАВОЛАНАЁТГАНИДА НИҲОЯТДА ДИЛИ РАНЖИДИ. ЧУНКИ САЛКАМ ЯРИМ АСРЛИК УМРИ ЎТГАН ИШХОНАСИ РАҲБАРЛАРИ КЕЛИБ, ҲОЛ-АҲВОЛ СЎРАШ ЎРНИГА БАРЧА АЙБНИ УНИНГ ЎЗИГА ТЎНКАШДИ.**

Амалдаги қонунчиликка биноан ногиронлик белгиланганидан кейин жабрланувчига касб касаллиги учун ҳар ойда тўлов амалга оширилиши зарур. Аммо қўшма корхона мутасаддилари ушбу нафақани тўлашдан бош тортишди. Шундан сўнг Ф. Маҳкамов ҳақ-ҳуқуқини тиклаш мақсадида Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

– Узоқ йиллик фаолиятим давомида жуда кўп мурожаатлар билан шуғулланганман, лекин ходимга нисбатан бундай адолатсизлик, қонунларга беписандлик, инсон қадрини бу даражада оёқости қилиш ҳолати камдан-кам содир бўладиган воқеа, – дейди бирлашма кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Равшан Маҳамадалиев.

Ушбу масала бўйича кенгашга ариза келиб тушганидан кейин одатга кўра касаба уюшма мутахассислари жабрланувчи ишлаган қўшма корхонага бориб, ушбу масалани синчковлик билан ўрганиб чиқишди. Олдинига муассаса раҳбарларига мазкур ҳолатда амалдаги тегишли қонунлар қўпол тарзда бузилаётганини ётиғи билан тушунтиришга уриниб кўришди. Бироқ улар ноҳақ эканини тан олишмади.

Шундан сўнг, мазкур масала юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат этилди. Суд жараёнларида корхонанинг тегишли вакиллари ҳеч қандай қонуний асосга эга бўлмаган сабабларни рўкач қилиб, тиш-тирноғи билан айбни жабрланувчига тўнкашга ҳаракат қилди. Касаба уюшмаси мутахассиси Р. Маҳамадалиев эса ҳар бир суд жараёнида иштирок этиб, Фаррух Маҳкамовга бахтсиз ҳодисага учрагани учун бир марталик товон пули ва ҳар ойда касб касаллиги учун нафақа тўланиши шарт эканини қонунлар ва тегишли тиббий ҳужжатлар билан асослаб берди.

Ниҳоят, фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро суди Ф. Маҳкамовнинг даъво аризасини қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарорини қабул қилди. Унга асосан, «Ирригация бўйича БМКБ» корхонасидан даъвогарнинг фойдасига ҳар ойда уч юз йигирма икки минг тўққиз юз етмиш олти сўмдан соғлиққа етказилган зарар учун нафақани ойлик иш ҳақининг ошиб боришига мутаносиб равишда ундирилиши қайд этилди. Бундан ташқари, касаба уюшмаси аралашуви билан тегишли суғурта компанияси томонидан Ф. Маҳкамовга 12 миллион сўмдан ошиқ бир марталик товон пули тўланишига эришилди.

– Миннатдорлигимизнинг чеки йўқ, – дейди жабрланувчининг турмуш ўртоғи Адолат Маҳкамова. – Агар касаба уюшмалари шунчалик қўллаб-қувватламаганида, ҳақимизни ундириш амримаҳол эди. Энг муҳими, бир марталик товон пули олиш ҳуқуқи борлигини ҳам касаба уюшмаларига мурожаат қилганимиздан кейин билдик. Кенгаш фаоллари товон пулини қаердан, қандай ҳужжатлар асосида талаб қилиб олишнинг йўл-йўриқларини обдон тушунтиришди. Бошимизга тушган ташвишдан билдикки, касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг беғараз ва холис ҳимоячиси экан.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,**
«Ishonch» мухбири

Муносабат

# «Оммавий маданият» — ЭВТАНАЗИЯ

◄1

«Оммавий маданият» ҳукмрон элда шундай бўлиши мумкинми? Асло. Чунки, биринчидан, мўйсафид қариялар уйида ётган бўларди; иккинчидан, тўйига келса ҳам (тантана-шоу эгасининг имижига зарар етказмаслиги учун) тўйхонага киритилмас эди (Дресс код деган талаблар бор); учинчидан, мабодо киргизилса ҳам йигит «Менга нима. Зарил кептими шу қилтириқ чолни кўтариб?», деб ўзини четга оларди-қўярди.

Бинобарин «оммавий маданият» замонавий, технократик, зинҳор миллий эмас. У севгини секс, меҳнатни бизнес, бировга яхшилик қилишни зарарли инвестиция, «ресурсларни мақсадсиз сарфлаш», ҳаё ва андишани «имкониятни бой бериш», ота-боболаримиз ўгитларини «эскилик сарқити», деб тушунтиради. Шу тарзда у инсонни ўз миллий қадриятларидан, халқидан ажратиб, ўз сигментига қўшиб олади. Бу эса унинг жаҳондаги барча миллий маданиятлар кушандаси эканини кўрсатади.

Тан касаллиги оғиздан кирса, маънавий касаллик кўз, қулоқдан кириб, эгасини йўлдан оздиради. Маънавий касалликнинг иситмаси одамнинг ниятлари, айтган гаплари, қилмиш-қидирмишларида ошкор бўла бошлайди. Ўз қадрдонлари орасида ўзини ўзгача, бегона тутишга ўтади. Ота-боболарининг миллий урф-одат ва маънавий қадриятларига беписанд қараш даражасигача тубанлаша боради. Афсуски, шундай бўлаётир. Президентимиз таъбири билан айтганда, «экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, «оммавий маданият» каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзот асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий қадриятларга путур етказмоқда. Мана шундай ва бошқа кўплаб таҳдидлар инсоният ҳаётида жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани айни ҳақиқат ва буни ҳеч ким инкор этолмайди.

XX асрнинг бошида Патрик Бьюкенен америкаликларни **«Эвтаназия Европани чулғаб олди, энди Америкага сирғалиб киряпти»,** деб огоҳлантирган эди. Мана, унинг фарёди: «Бу гедонистик қўшиқларни ким тўхтатади? Бундай жозибали ўлим қўшиғини ёшларга қараб ҳамма – Голливуд, MTV, «кўпик опералар», телекўрсатувлар, гламур журналлар, шоу бизнес, аёлларнинг ишқий ғийбатлари, миш-мишлари, бестселлерлар куйлаяпти. Ўқитувчидан тортиб диндоргача, ҳамма ўсмирларга «кондом» тутқазяпти. Бу аҳволда ота-оналарга қандай ёрдам берса бўлади?

Энди нима қилсак, Америка аёллари оналари, момолари каби: «ювош эр, шаҳар атрофида ҳовли ва бир этак бола»ни қўмсайдилар? Бу шўрпешоналик «оммавий маданият» касофатидан бўлди. Чунки, «оммавий маданият» ўз қадриятлари иерархиясида шаҳвоний ҳирсни оналик бахтидан юқори қўяди. Аёллар журналлари, «кўпик опералар», аёлларнинг ишқий романлари, прайм-тайм телекўрсатувлар – ҳаммасида карьера, секс, ёш жувоннинг мустақиллиги (ёлғизлиги) мадҳ этилмоқда».

Америкалик ҳамкасбимиз, маънавиятшунос Бьюкененнинг бу фарёди ниманинг оқибати? Лоқайдликнинг. Кириб келаётган «оммавий маданият»га қараб аввал «Ҳар ким ўзи билади»; кейин «Нима қипти?!»; ҳозир эса «Нима қилиб қўйдик?!», дегани эмасми? Бугун бу муносабатларнинг қайси бири бизга хос?

В.Алимасовнинг мақоласида Ғарбда порноиндустриянинг маънавий эмас, ҳуқуқий томони яхши очиб берилибди. Олим **«...ғарбда порноиндустрия шаклланган. Лекин у қонун доирасида, зўравонликни тарғиб этмаган тарзда фаолият юритади. Унинг маҳсулотларини кўрасизми ёки йўқ – сизнинг ихтиёрингиз, у сизнинг тарбиянгиз ва маданиятингизга боғлиқ. Бу ҳам ўзига хос ҳуқуқ ва эркинликдир. Бизнинг маънавиятшуносларимиз мана шу ўзига хосликка қарши»**, деганлар. Ҳақ гап. Маънавиятчилар нега бундай қилишади? Балки ҳаётдан орқада қолишгандир?! Ёки улар креатив, компаратив фикрлай олмайдими?

Уларни қандай тушуниш керак? Масалан, арoқ, сигареталар ишлаб чиқариш – қонуний. Ичиш, чекиш ҳуқуқимиз бор. Унда нега ёшларга ичмасликни, чекмасликни тарғиб қиламиз? Чунки ичиш-чекишнинг оқибатини биламиз. Маънавият ва маърифат ходими халқимиз, ёшларимизнинг маънавий саломатлигини ҳимоя қилиш, маънавий касалликларнинг олдини олиш учун масъул. Чунки «оммавий маданият» ёшларда порно, эротик маҳсулотларга **эҳтиёжни шакллантиради.** Натижада ёшлар ўз ихтиёрлари билан, қонуний асосда, ўзларини нафақат маънавий, балки жисмоний нотавон қила борадилар.

Агар маънавият аҳли бунга қарамаса, «ҳар ким ўзи билади», деса ёмонликка қарши тарғибот тўхтайди. «Оммавий маданият» қўштирноқдан чиқиб, чинакам оммавий маданиятга айланади. Оқибатда бизни миллий маданият эмас, бегона, суррогат маданият бошқаради. Бьюкенен бундан 25 йил олдин Американи огоҳлантирган воқеа бизда ҳам содир бўлади. Миллат ўз ихтиёрини «оммавий маданият»га, у эса – гедонистик ўлимга – эвтаназияга топширади.

Муаллиф мақолада **«Ғарбда қўлланиладиган «оммавий маданият» (mass culture) бизда ишлатиладиган «халқ маданияти»га тўғри келади»,** дейди. Лекин «оммавий маданият»ни бундан 50 йиллар олдин тадқиқ қилган атоқли болгар олими Богомил Райнов ўзининг «Оммавий маданият», деган фундаментал асарида бу фикрни рад этади. **«Оммавий маданият»,** – дейди олим, – **энг аввало ва бутун моҳияти билан маданиятнинг халқчиллигини тўла инкор қилади».**

> **БИНОБАРИН «ОММАВИЙ МАДАНИЯТ» ЗАМОНАВИЙ, ТЕХНОКРАТИК, ЗИНҲОР МИЛЛИЙ ЭМАС. У СЕВГИНИ СЕКС, МЕҲНАТНИ БИЗНЕС, БИРОВГА ЯХШИЛИК ҚИЛИШНИ ЗАРАРЛИ ИНВЕСТИЦИЯ, «РЕСУРСЛАРНИ МАҚСАДСИЗ САРФЛАШ», ҲАЁ ВА АНДИШАНИ «ИМКОНИЯТНИ БОЙ БЕРИШ», ОТА-БОБОЛАРИМИЗ ЎГИТЛАРИНИ «ЭСКИЛИК САРҚИТИ», ДЕБ ТУШУНТИРАДИ. ШУ ТАРЗДА У ИНСОННИ ЎЗ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИДАН, ХАЛҚИДАН АЖРАТИБ, ЎЗ СИГМЕНТИГА ҚЎШИБ ОЛАДИ. БУ ЭСА УНИНГ ЖАҲОНДАГИ БАРЧА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТЛАР КУШАНДАСИ ЭКАНИНИ КЎРСАТАДИ.**

Дарҳақиқат, оммавий маданият, «оммавий маданият» ва миллий маданият деган уч тушунчани фарқлаб олмасак, узумни турк, форс, араб тилларида айтиб талашаётган дўстларга ўхшаб қоламиз. Оммавий маданият билан «оммавий маданият»нинг фарқи оғзаки айтилганида, эшитилганида билинмайди. Ёзилганида кўринади. Фарқ – қўштирноқларда.

Маълумки, қўштирноқлар сўзнинг тескари маъносини кўрсатади. Шу туфайли қўштирноқ ичидаги «оқ»ни – қора, «қора»ни оқ деб тушунамиз. Мисол учун, «Эшмат – тўғри одам» билан «Эшмат – «тўғри» одам». Мана шу қўштирноқ «оммавий маданият»нинг моҳиятини тушуниш ва тушунтиришга халақит бериб келаётир. Биз оммавий маданият деганда ҳаммага мақбул, ижобий, тўғри, фойдали, чиройли, мантиқли маданий меъёрларни тушунамиз. «Оммавий маданият», деганда эса оммавий маданиятнинг зиддини, сохта, кимлардир томонидан ясалган, фейк, суррогат, мантиқсиз маданиятни англаймиз.

Бу фикрни 60 дан ортиқ фильмни суратга олган, Голливуднинг атоқли кинорежиссёри Альфред Хичкок қўллаб-қувватлаган. Унга фильмининг айрим жойларида мантиқ йўқлигини айтишганида у «Мен баъзида сценарий муаллифига ғоя берсам, у «Бу мумкин эмас. Ғоянгиз яхши-ю, лекин уни жорий қилсак, мантиқ оқсайди-да», дейди. Кейин биз мантиқни деразадан улоқтирамиз», дейди. «Сиз нима учун фильм суратга оласиз?», деган саволга у баралла «Пул ишлаш учун», дейди.

Мақолада муаллифнинг «оммавий маданият»га ғоявий қарашлари қатъий, ёши улуғ киши позицияси сезилиб туради. Йиллар бизни ота-боболаримизнинг миллий маданияти нақадар ҳақлигига етказади. Шу маънода катта авлод «оммавий маданият»дан чўчимаса ҳам бўлади. Боболар ҳикматига етишганларни авраб, етаклаб бўлмайди.

Кўпинча 20 ёшлилар боболар ҳикматини инкор қилади. Лекин барибир 50-60 ёшга етгач, «Боболаримиз нақадар доно, ақлли бўлишган-а?!», дейишади. Ҳозир улар ана шу ҳикматга қўшилиш учун бораётган йўловчилардир. Буни «оммавий маданият» саноатчилари яхши билади. Шунинг учун улар ёшлар учун курашади. Маҳсулотларининг асосий харидори ҳам, ғоявий ҳужумининг асосий нишони ҳам – ёшлар, ўсмирлар.

> **«НОДОН ЎЗ ХАТОЛАРИДАН, ДОНО БИРОВНИНГ ХАТОЛАРИДАН ХУЛОСА ЧИҚАРАДИ», ДЕЙДИЛАР. ДЕМАК, БУ КАСАЛЛИККА БИЗДАН – 50-70 ЙИЛ ОЛДИН ЧАЛИНГАНЛАРНИНГ БУГУНГИ ОҲ-НОЛАЛАРИДАН ХУЛОСА ҚИЛСАК, НОДОН ЭМАСМИЗ. ШУ МАЪНОДА БОЛАЛАРИМИЗНИНГ ҚУЛОҚЛАРИГА, КЎЗЛАРИГА КИРМОҚЧИ БЎЛАЁТГАН МАЪНАВИЙ МАҲСУЛОТЛАРНИ ТЕКШИРИБ КЎРИБ, КЕЙИН ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШГА ЎРГАТИШИМИЗ ЗАРУР.**

Бир савол... Сақичдан қай мақсадларда фойдаланиш мумкин? Бу саволга «Томингиз кетганми? Сақич бўлганидан кейин чайналади-да!», деймиз. Ана энди Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан экспертизадан ўтказилган сақич ўрамларидаги «беозор битик»лардан айримларини келтирамиз. Сақичлар Ўзбекистон болаларига мана бундай буйруқ ва топшириқларни олиб кирмоқда:

- ***Қўлингдан келганича бақир, кейин, ўзингни ҳеч нарса содир бўлмагандек тут. Видеога олиб, уни «Twitter»га жойла.***
- ***Куннинг қолган қисмини яланғоёқ сайр қилиб ўтказ. Расмларга ол.***
- ***Сақич маркасини сочингга ёпиштириб, кейин қириб ташла.***
- ***Сен қандай сўкинишни ёқтирасан? Сўкинганингни ёзиб, «Twitter»да қолдир.***
- ***Қўлингдаги сақич ўрами устига ишқий сўз ёз. Ёнингдагига бер.***
- ***Атрофингдаги одамлардан кимнинг шаҳвоний овози жозибалироқ?***
- ***Шаҳвоний овозда ўзингга мос gif ярат ва инстраграммга жойла.***

Чиройли сақич ўрамларида флешмоб орқали ғоя тарқатиш, жинсий ахлоқсизлик ва тартиббузарликка чақиришлар ҳам бисёр. Эътибор берсак, бир ўрам сақичнинг ғоявий фойдаси унинг иқтисодий фойдасидан ортиқлигини кўрамиз. Бунга асосий сабаб – ёш болаларнинг дид, муносабатлари бошқарилаётганида. Мана шуларни кўриб, билиб, индамаслик – келажакка, болаларимизга хиёнат эмасми? Бундай вазиятда Президентимиз айтганларидек, «аввалambор, «оммавий маданият» кўринишида кириб келаётган турли таҳдидлар, гиёҳвандлик, диний экстремизм, миссионерлик каби бало-қазолардан ёшларимизни асраш, уларнинг таълим-тарбиясига ҳар биримиз масъул эканимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак».

«Нодон ўз хатоларидан, доно бировнинг хатоларидан хулоса чиқаради», дейдилар. Демак, бу касалликка биздан – 50-70 йил олдин чалинганларнинг бугунги оҳ-нолаларидан хулоса қилсак, нодон эмасмиз. Шу маънода болаларимизнинг қулоқларига, кўзларига кирмоқчи бўлаётган маънавий маҳсулотларни текшириб кўриб, кейин истеъмол қилишга ўргатишимиз зарур. Ана шунда ўзимизнинг эмас, бошқаларнинг бошидаги ғурралар бизни хатолардан сақлайди.

Ўтган асрдан туриб ҳайқираётган америкалик машҳур иқтисодчи Жон К.Гэлбрейтнинг мана бу фикрларидан биз ҳушёр тортайлик. У «Оммавий маданият» билан саноатнинг бирлашиши «истеъмолчиларнинг дидини назорат қилиш, уларни саноат манфаатларига мослаштиришга олиб келди. ... Энди истеъмолчи ҳукмрон эмас. У хизматкорга айланди», деган эди.

Келинг, яхшиси, маданий мутелик янада тушунарли бўлиши учун кварц ва механик соатларни олайлик. Кварц соат батареясиз ишламайди. «Аввал батареянинг пулини тўлаб қўйинг, хўжайин», дейди гўё. Фақат механик соатнинг ишлаши сизга боғлиқ. Қулоғини бураб, «дам солсангиз», юраверади. Батареясиз кварц соат – темир-терсак. Соатингиз бор, лекин ишлаши сизга эмас, батарея ишлаб чиқарувчига боғлиқ.

Мана энди сиз батарея ишлаб чиқарувчининг карамига айландингиз. Кимдир компьютерингизга тушсин, деб турли вирусларни тайёрламоқда. Вирус тушса, антивирусини топишга ҳам ўзлари «қарашворишади». Пулини тўлаб қўйсангиз, бас. Ана шундай.

Мақолада В.Алимасов «оммавий маданият»га Ғарб маданий ҳодисаси сифатида қараган. Аслида «оммавий маданият» маҳсулотларини, хизматларини ишлаб чиқарувчи, реклама қилувчи ва бундан отнинг калласидек фойда кўрувчилар ҳамма жойда бор. Тошкентда, вилоятларда, айниқса, тўй, маросим масаласида урчиб кетган ўзимизнинг «оммавий маданият»ни тийиб қўядиган маънавий муҳит яратилишида биз зиёлилар фаол бўлишимиз зарур.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев масаланинг шу жиҳатига алоҳида тўхталиб, «Биз бир нарсани ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур. Агар «оммавий маданият» таҳдиди фақат четдан – Ғарбдан кириб келади, десак, қаттиқ адашамиз. Бу бало, афсуски, ўзимиздан, ўз орамиздан ҳам чиқиши мумкин. Мен бу гапларни осмондан олиб айтаётганим йўқ. Юртимизда нашр этилаётган айрим газета-журналлар, китобларни, суратга олинаётган баъзи клип ва киноларни, эфирга берилаётган қўшиқ ва рақсларни кузатиб, соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам шундай хулосага келиши табиий», деган фикрни билдиради.

Бугун ёшларимизнинг ўнг қўлидан миллий маданият, чап қўлидан «оммавий маданият» тортаяпти. Ким енгар экан? Ҳар биримизнинг олдимизда уч йўл бор. Бири – миллий маданиятимизга ёрдам бериш, иккинчиси – бефарқ қараб туриш, учинчиси – «оммавий маданият»га ёрдам бериш. Ҳурматли олимимиз, устоз Виктор Алимасовнинг «Оммавий маданият ОҒУми?» деб номланган куюнчак мақоласи ҳар биримизга «Ўйланг», деган сигнал бўлди.

Буюк тарихимиз, миллий маданиятимиз, аждодларимиз олдидаги бурчимизни унутмайлик.

**Муҳаммаджон ҚУРОНОВ**

*Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари, педагогика фанлари доктори, профессор*



Долзарб мавзу



# ТЎХТАНГ: ҚУРИЛИШДА «ҚИЗИЛ ЧИЗИҚ»

*Унга риоя қилмаслик нафақат шаҳарсозлик талабларига зид, балки «кўча ҳақи»га хиёнат ҳамдир*

Қорақалпоғистон Республикасида «Обод қишлоқ» дастури асосида амалга оширилаётган бунёдкорликлар, шаҳар ва туман марказларида барпо этилаётган замонавий иморатлар, кенг ва равон кўчалар, аҳоли дам олиш масканлари, болалар майдончалари – буларнинг барчаси юртдошларимизнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга замин яратмоқда.

Лекин айрим замондошларимиз шахсий иморат тиклашда қурилиш (қизил чизиқ) ва кўкаламзорлаштириш (яшил чизиқ) талабларига риоя этмаяпти. Улар нафақат Шаҳарсозлик кодекси талабларига қарши иш тутишмоқда, балки «кўча ҳақи»га ҳам хиёнат қилишмоқда.

– Авваллари якка тартибда уй-жойлар қуришда аҳоли томонидан хато-камчиликларга йўл қўйилгани рост, – дейди Нукус шаҳар Архитектура ва шаҳарсозлик бўлими архитектори Азамат Ўразимбетов. – Масалан, тураржой массивларида инфратузилма объектлари – болалар майдончалари, автотураргоҳ, дўкон ва ҳоказолар учун ҳудудлар ажратилмаган. Ҳаттоки, ёнғин хавфсизлиги йўлакчалари ҳам қурилиш майдонига қўшиб юборилган. Натижада бугунги кунда баъзи жойларда турли муаммолар келиб чиқмоқда. Маҳаллаларда автомобиллар дуч келган жойга қўйиб кетилади. Болалар ўйнаши учун мос жойлар йўқ. Тез ёрдам, ёнғин хавфсизлиги ва бошқа шошилинч хизматлар машиналари чақириқлар бўйича вақтида етиб кела олмайди. Ҳозирда шаҳар кўчаларида бу каби ҳолатларни бартараф қилиш бўйича муайян ишлар бажарилмоқда. Аммо қишлоқ ва туман марказларида аҳвол ҳамон «эски тос, эски ҳаммом»лигича қолмоқда. Айниқса, аҳоли томонидан пиёдалар йўлаклари ва кўкаламзорлаштириш ҳудудларининг ноқонуний равишда томорқа ҳудудига қўшиб олиниши ёки панжаралар билан ўраб қўйилиши турли можароларни келтириб чиқаряпти.

Мутахассиснинг гапларида жон бор. Мисол учун айтадиган бўлсак, Хўжайли шаҳридаги 8-сонли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролар мурожаатини ўрганиш чоғида Сабиқ овул кўчасидаги айрим хонадон эгалари пиёдалар йўлакчасини ҳам томорқа ерига қўшиб олгани маълум бўлди.

Ушбу кўчада бир гуруҳ фуқаролар пиёдалар йўлакчасини темир панжаралар билан беркитган бўлса, баъзилар, ҳатто, коммуникация тармоқлари ўтадиган майдонни ҳам тўсиб олган. Пиёдалар йўлакчаси йўқлиги сабабли аҳоли машина йўлидан юришга мажбур бўлмоқда.

– Кўчамизда тез-тез автоҳалокат рўй бериб туради, – дейди шу маҳаллада истиқомат қилувчи Б.Ерниязов. – Сабаби оддий: қўшниларимиз пиёдалар йўлакларини тўсиб олишган. Айниқса, кичик ёшдаги болаларни мактабга жўнатган ота-оналар хавотирда ўтиради. Чунки улар катта йўлдан боришади. Бу ерда эса юк машиналари, автобуслар тинимсиз ўтиб туради.

Йўлакчаларни тўсиб қўйиш ва ҳудуддан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланишда Тахиатош шаҳри аҳолиси ҳам «олдинги саф»да. Аксарият кўчалар тандирхона, дўконча каби бинолар деворлари билан тўсиб қўйилган. Уларни бартараф қилиш учун анча вақт ва маблағ керак бўлади.

Бундай камчиликларни Нукус шаҳри кўчаларида ҳам кузатиш мумкин.

Масалан, А.Дусназаров шоҳкўчаси бўйида кўплаб давлат идоралари, вазирлик ва таълим муассасалари жойлашган. Автоуловлар учун махсус тураргоҳлар йўқлиги туфайли ходимлар ва иш юзасидан келган одамларнинг шахсий машиналари йўл чеккаларига қўйиб кетилмоқда. Бу эса пиёдалар ва машиналарнинг хавфсиз ҳаракатланишига салбий таъсир кўрсатиши аниқ.

Бундай ҳолат «Деҳқон бозори» атрофида ҳам тез-тез учраб туради. Бозор ёнидаги махсус автотураргоҳ ўрнига савдо дўконлари қурилган, транспорт эгалари машиналарини кўчанинг хоҳлаган ерига ташлаб кетишни одатга айлантирган.

Аҳоли сони кун сайин ўсиб бораётган Нукусда бор-йўғи биргина жойда ер ости ўтиш йўли бор. Ватан ободлиги уйимиз, маҳалламиз остонасидан бошланади. Қолаверса, халқимизнинг «кўча ҳақи» деган ажойиб анъаналари ҳам бор. Яъни кўча – қўни-қўшни, элники.

Буларнинг барчаси нафақат масъул ва мутасаддилар, балки бунёдкорлик қилаётган ҳар бир фуқаронинг масъулиятли бўлишини талаб этади!

**Азамат ОМОНОВ,**
Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси масъул ходими
**Ортиқбой МАМУТОВ,**
«Ishonch» мухбири

Ана холос!

Самарқанд вилояти ҳокимлиги, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг жорий йил 31 мартда қабул қилинган қўшма қарорига мувофиқ 23 та стационар, 55 та кундузги оромгоҳда меҳнаткашларнинг 21 130 нафар фарзанди дам олдирилиши лозим эди.

# «ҚЎШЧИНОР»даги кўзбўямачиликлар

Ёз мавсумига пухта тараддуд кўрган аксарият оромгоҳларда соғломлаштиришнинг биринчи даври якунланди. Аммо Нуробод туманидаги туман халқ таълими бўлимига тегишли «Қўшчинор» оромгоҳида таъмирлаш, тузатиш ишлари аччиқ ичакдек чўзилгани боис мавсумни бошлаш пайсалга солиб келинди. Ниҳоят, оромгоҳ раҳбари Муҳиддин Эшбоевдан хушхабар келди. 19 июндан болалар қабул қилинибди.

Нега бунча кеч? Чунки қарор ижросини таъминлашга масъул этилган комиссия оромгоҳдаги ишлар ўлда-жўлдалиги боис мавсумни бошлашга изн бермасдан келаётган эди. Ҳартугул, нурободликлар уддасидан чиқибди-да, деб ўйларсиз?

Аслида эса... улар вазиятдан чиқишни «уддалабди».

Ҳақиқий манзарага эътибор қиладиган бўлсак, икки кун мобайнида жамланган 76 нафар ўғил ва қиз битта павильонга жойлаштирилган. Чунки мавжуд иккита павильондан биттасида таъмирлаш ишлари ҳануз поёнига етмаган. Қурувчилар жонини Жабборга бериб, камчиликни тузатишга уринишяпти. Оромгоҳ раҳбари Муҳиддин Эшбоев икки-уч кун ичида иккинчи павильон ҳам ишга тушиши, аниқроғи, 21 июнь куни кечгача ўғил ва қиз болаларнинг ўрин-жойлари алоҳида павильонларга кўчирилишини билдирди.

Туманнинг турли ҳудудларидан келган болалар оромгоҳнинг аҳволидан ҳайрон. Иш юритув ҳам антиқа. Қозон тўла овқатлар сифати ҳақида гапиришнинг ўзи ортиқча. На таомнома тузилган, на озиқ-овқат маҳсулотларининг кирим қилинган ҳужжатлари бор. Муҳиддин Эшбоев эса ҳужжатларни «фолончи олиб кетиб қолибди», дейишдан нарига ўтмади. Антиқа ошхонанинг антиқа ошпазини кўриб янада ҳайратингиз ошади. Ошпаз Фарҳод Эшбоев оёғида шиппак, спорт шалвари, тиззагача тушган кўйлак билан ўсган соч-соқолда қозон ковлайди.

– Юз кишига мўлжаллаб таом тайёрланганди, – дея ҳолатга изоҳ беради оромгоҳ раҳбари.

– Болалар сони 76 нафар-ку?

– Қолиб кетмайди, ходимлар, қолаверса, бу ерда ишлаётган қурувчиларга ҳам улашамиз, – дея вазиятга аниқлик киритади у.

Ивирсиган уйдан меҳмон ҳам, файз ҳам қочади. «Қўшчинор»даги ҳолат ана шундай. Уч кунни шу ҳолатда ўтказган болалар яна тўққиз кунга чидаб берса бўлгани. Шу билан биринчи давра поёнига етади. Қолгани туман ва оромгоҳ раҳбарлари виждонига ҳавола.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
«Ishonch» мухбири

Зиё маскани





## Ёшлар китоб хиёбонига ошиқмоқда

Гулистон шаҳридаги Алишер Навоий номли «Билимдонлар маскан»да аҳолини китобхонликка қизиқтириш мақсадида кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.

Бу ерга келувчилар китоб дўконидан ҳар хил китоблар сотиб олиши мумкин. Мутолаа учун махсус айвонларнинг ажратилгани эса барчани мамнун этмоқда. Сирасини айтганда, яратилаётган шароитлар ёшлар китобхонлиги маданиятини ошириш ва китоб мутолаасини кўпайтиришга хизмат қилмоқда.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**
«Ishonch» мухбири
**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

# «Бўстон» — чиндан боғ-у бўстон

◂1

Хуллас, даврдан орқада қолмасликка ҳаракат қиляпмиз. Кенг жамоатчилик buston.uz сайтига кириб, сиҳатгоҳимиз тўғрисидаги маълумотлар билан танишиши мумкин. Эндиликда ўрин банд қилиш учун алоҳида келиб, овора бўлиб юришнинг ҳожати йўқ, хоҳловчиларга яшаб турган жойларидан туриб электрон тарзда жой банд қилиш имконияти яратилди. Айни пайтда Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон каби қўшни давлатлар фуқаролари ҳам бизда дам олиб кетишаётир.

Муолажа бўлимини кўздан кечириш асносида даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари Зуҳриддин Умархўжаев муассаса фаолияти билан атрофлича таништирди.

– Мижозларимиз бемор ёки соғлом бўлишидан қатъи назар барча аъзолар бўйича тўлиқ текширувдан ўтказилади. Бу, биринчидан, уларнинг соғлиғи ҳолати тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш, иккинчидан, тегишлича даволаш имконини беради, ўз навбатида, фаолиятимиз самарадорлигини оширади. Масалан, урология ва гинекология бўлимларимизда онкологик касалликларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш мақсадида колпоскопия текшируви амалга оширилади, агар касаллик аломатлари аниқланса, цитологик таҳлил қилиниб, ташхис қўйилади. Стоматология бўлимида тишларнинг умумий ҳолати ўрганилади, милкларни даволаш бепул, мураккаброқ даволаш ишлари эса белгиланган тартибда олиб борилади. Кўпчилик жиғилдон қайнаши, қорин дамланишидан шикоят қилади. Уларга аввал УЗИ текшируви ўтказилиб, ўт қопини ювишнинг икки хил усулидан бири тайинланади. Ўт қопини ювишдан ташқари, ичакларнинг ўзини ювиш усулини ҳам қўллаймиз. УВЧ ускунаси бронх, ўпка, томоқ касалликларида қўлланади. Лимфассим аппарати оёқ оғриғидан шикоят қилувчиларга яхши ёрдам беради, қон айланиши меъёрига келади.

– Қон босими кўтарилиб кетишидан кўп азият чекардим, шу ерга келганимдан бери анча яхшиман, – дейди ўртачирчиқлик Элмира Аймурзаева.



*Икром ҲАСАНОВ олган суратлар*



– Бу ердаги ходимларнинг ширин муомаласини айтмайсизми, – дея суҳбатга қўшилади жиззахлик Муҳаббат Қорабоева. – Маданий тадбирларга-ку, гап йўқ. Фидойилик, ҳурмат-эътибор кўнглимизни тоғдек кўтарди.

Томирлар ва асаб тизимининг фаоллигини оширишга қаратилган яна бир усул иссиқ ва совуқ сувли контраст ваннада жорий этилгани ҳам айни муддао. Иссиқ ва совуқ сув томирларнинг кенгайиб-қисқаришига туртки бериб, киши танасининг чиниқишига ёрдам беради. Бунда ҳар кимнинг мизожи ва чидамлилиги ҳисобга олинади.

Арома ванна икки хил: тинчлантирувчи ва оздирувчи таъсир кўрсатади. Бу ваннага талабгорлар жуда кўп ва энг муҳими, барча бирдек мамнун. Маржонли ваннада эса пастдан кучли босим билан сув юборилади. Гавданинг бел, елка ёки қорин қисми билан ётганда сув босими ортиқча туз ва ёғларнинг чиқиб кетишига кўмаклашади, қон айланишини меъёрлаштиради.

– Менга сувли муолажалар ниҳоятда ёқиб қолди, – дейди Самарқанддан келган Шафоат Турсунқулова. – Мана, учинчи йилдирки, таътилга чиқишим билан шу сиҳатгоҳга талпинаман. Даволаниш билан бирга хоҳишимизга кўра, Зангиота зиёратгоҳи, Чорвоқ, Чимёнга саёҳатлар уюштирилади, «Халқлар дўстлиги» саройидаги концертларга олиб борилади.

Дам олувчиларнинг чеҳрасида, аввало, руҳий сокинлик, хотиржамликни кўриб, биз ҳам бу ердаги баъзи муолажаларни ўзимизда синаб кўришга жазм қилдик. Масалан, ГАИ – гидроаэроионизация хонасига кириб ўтирдик. Хона ўртасида махсус фаввора ўрнатилган, ундан пуркаладиган сув таркибига калий бром, натрий бром, калий йод моддалари қўшилган. Ушбу моддалар ҳавога тарқалиб, нафас йўллари орқали сўрилади ва тинчлантирувчи хусусиятга эга. Бундан ташқари, йод етишмовчилиги ҳамда нафас олиш аъзолари касалликларига бевосита ёрдам беради.

Тузли ғор борлигини эшитиб бироз таажжубланганимизни сезган ҳамроҳимиз изоҳ берди:

– Одамларга фойдали бўлса, тоғни кўчириб келишга ҳам тайёрмиз. Тузли ғор муҳитидан нафас олиш натижасида аллергик, нафас йўллари ва эндокрин тизими касалликларига қарши курашувчи муолажа олинади, яна у йод етишмовчилигини бартараф қилишда ҳам беназир.

Физиотерапия шифокори Адолат Шореванинг маълумот беришича, даволанишга келганларнинг 99 фоизида умуртқа билан боғлиқ остеохондроз, чурра, бўғим касалликлари учрар экан. Бу бўлимда бўйин ва умуртқани тортиш аппаратлари, Нуга бест – уқалаш кровотида муолажа қилинади. Адолат опа саволларимизга ҳамма тушунадиган оддий усулда жавоб берди:

– Умуртқа равоғи ёнидан чиққан барча нерв толаларининг ўз вазифаси бор, масалан, бўйиндан чиққан нерв толалари қўлларни ҳаракатлантиради. Агар қўлларда увишишлар кузатилса, бу бўйин соҳасида тузлар йиғилганидан далолат беради. Кўкрак соҳасида туз йиғилганда эса юрак санчиши мумкин, бу кўпинча кишини чалғитади. Оғриқ юракнинг муаммоси эмас, балки тузларнинг салбий таъсиридан юзага келади. Бел ва жинсий аъзолардаги оғриқларга ҳам баъзида тузлар сабабчи бўлади. Бундай ҳолатларда асосан Нуга бестни тавсия этамиз. Яна таянч тизими фаолиятини яхшилаш учун махсус таёқчалар ёрдамида нордик юриш, хоҳловчилар учун велосипедда сайр қилиш машғулотларини ҳам ташкил этдик.

Мухтасар айтганда, сиҳатгоҳда сиз истаган барча хизматлар муҳайё. Хоҳланг, кутубхонада китоблар оламига саёҳат қилинг, хоҳланг косметолог хизматидан баҳраманд бўлинг ёки бассейнда сузиб роҳатланинг. Сиҳатгоҳ ҳудуди атрофидан Зах ариғи ўтади ва доимий равишда ёқимли шамол эсиб туради.

Фарида опа билан хайрлашиш чоғида хонасидаги табиат манзаралари чизилган бир нечта картиналар диққатимизни тортди. Ажабо, муаллиф ўзи экан.

– Болаликда шуғулланмаганман, уч йил илгари ўз-ўзидан чиза бошладим. Тўғриси, бу қандай юзага чиққанини ўзим ҳам тушунолмайман, – дейди опа кулимсираб.

Ҳа, инсон табиатга қанчалик яқинлашиб меҳр қўйса, унинг мўъжизакор хусусиятлари табиатига кўчиб бораверади. Сиз ҳам ўзингиздаги очилмаган қирраларнинг бўй кўрсатишини истасангиз, табиат қўйнида хизматингизга шай бўлиб турган сиҳатгоҳларга шошилинг.

**Шаҳзода ҲАКИМОВА**

**Ҳикмат**

*Агар ҳавода чанг ва тутун бўлмаса эди, киши минг йил яшаган бўларди.*

**Ибн СИНО**

Кўнгил манзаралари

## КИМ ҚАНДАЙ ЎЙЛАСА ЎЙЛАСИН, МАЙЛИ...

Ҳамма жойда бир хил қичқирмиш хўроз,
Қуқ-қу-қу-қу... бўртиб, чўзиб кекирдак.
Фарқланиши мумкин оралиқ бироз,
Вақтни инобатга олиш-да керак.

Ким қандай ўйласа ўйласин, майли,
Ҳамон ўша-ўша кўзтаниш олам.
Оми, ғалчагина буни билмайди –
Тонг отади хўроз қичқирмаса ҳам.

Эътирофга лойиқ аммо хизмати,
У – жарчи, у борки кунлар ҳам узун.
Қуёш чиқишини турар кузатиб,
Ғафлат босганларни уйғотиш учун.

Қуқ-қу-қу-қу...

* * *

Энг сўнгги кун бўлсин, дўстларим, шу кун,
Тўхтатдик, бўлди, бас – нолиш йўқ энди.
Уйдан қут-барака кетмасин учун
Шимармоқлик даркор астойдил енгни!

Қани, кўрайлик-чи, қочганини иш,
Биз ундан илдамроқ, шаҳдам ва чаққон.
Қийинмас «Сеними, шошмай тур!» дейиш,
Қолар каловланиб ҳар қандай қуён.

Кўз қўрқоқ, қўл ботир... мақол бу асли,
Таги замирида таъна ҳам йўқмас.
Ҳеч қачон кўз қўрқоқ бўлиб қолмасди.
Қўл бўлиб олмаса лоқайд, гап уқмас

Қадоқ бўлса нима, ҳолдан тойса ё,
Роҳат-фароғатга кафолат улар.
Етиб бормаса-да денгизга дарё,
Гулга чулғанади у ўтган йўллар.

Тўхтатдик, бўлди, бас – нолиш йўқ энди...

* * *

Тилингга тош боғла ақл қочганда,
Жаҳлинг чиққанини сезмасин биров.
Кўнгил юзларингда чирой очганда,
Тош эриб кетади мисоли қиров.

Ё сенми биргина орзу-ҳавасли,
Ва тушган осмондан узатиб оёқ?
Ёдда тутки, йилнинг исталган фасли –
Баҳордир, биз Қуёш бўла олган чоқ.

Заррин нурлар эмас фақат ёруғлик,
Тўкин-сочинликка беназир асос.
Жанжал бўлган гўша бўм-бўш қопчиқдек,
Олар қирқ кунгача йўқчилик қасос.

Қовоқ-тумшуқ йўқми бошқаларда ё,
Коса таги, маълум, мудом ним коса,
Кимки қила билса кўнглини дарё,
Дунё тургунича тип-тиниқ, тоза.

Тилингга тош боғла...

## Тўртликлар

Фурсат бой берилса умид йўқ бахтдан,
Бўлса тож ўзгада, кел, қўй, кеч тахтдан.
Хазон ёғмай, нима, мева ёғсинми –
Қўйсанг ўз ҳолига ташлаб – дарахтдан?

* * *

Одам ажратишни ташлаймиз қачон,
Бирдек кўрсак, бунинг нимаси ёмон?
Боймин, камбағалми ҳурматда бўлса,
Тушмайди-ку ерга узилиб осмон!

**Муҳаммад ЗАЙНИДДИН**

**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир:**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти – 256-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт– 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш– 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ – 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисоб рақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+998-91) 268-92-32
**Андижон** – (+998-91) 475-23-60
**Бухоро** – (+998-93) 653-50-81
**Жиззах** – (+998-91) 943-67-44
**Наманган** – (+998-90) 260-50-77
**Навоий** – (+998-93) 314-13-03
**Самарқанд** – (+998-97) 915-50-87
**Сирдарё** – (+998-90) 610-95-55
**Сурхондарё** – (+998-91) 233-69-07
**Фарғона** – (+998-90) 991-55-71
**Хоразм** – (+998-90) 719-48-00
**Қашқадарё** – (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**
Т. Шернаев
**Навбатчи:**
Д. Аллақулова
**Мусаҳҳиҳ:**
З. Исмоилов
**Саҳифаловчи:**
Ҳ. Абдужалилов
Босишга топшириш вақти – **00:30**
Топширилди – **00:50**
1 2 3 4 5 6
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма **Г – 609.**
**29561** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**